

# ЖАМЖ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 14 ноябр сешанба  
Сотувда эркин нархда № 228 (2525)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАҲЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

### ИСЛОМ КАРИМОВ:

**Биз эзгу ишларни қанча кўп қилсак, улуг аждодларимизнинг иззат-иқромини жойига қўйсак, уларнинг табаррук номларини бутун дунёга тараннум этсак, Яратганимизнинг ўзи бизни бало-қазолардан асрайди, бизга куч-қудрат ато этади, йўлимизни очиб беради.**



## Ҳидоят йўлига бошловчи аллома

Халқимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида тенгсиз ақл-заковати, таваққур қудрати ва яратувчилик салоҳияти билан дунё илму маърифатининг бешигини тебратган ва ўзидан ҳеч ўчмас ном қолдирган кўплаб қомил фарзандлари тарбиялаб воғза етказган.

“Муսулмонларнинг эътиқодини тузатувчи” деган юксак эътирофга сазовор бўлган ватандошимиз Имом Мотуридидий.

## Ўзбекистон — Япония: Ҳамкорликнинг янги қирралари

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистонда Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) ваколатхонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

## Кун тартибида — назорат масалалари

Назорат қилувчи ордёлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг йиллик маълумотида жорий йилнинг тўқтинчи ойи мобайнида ҳужжатлик юртувчи субъектлар фаолиятини текширишни тартибга солиш ишларининг якуни муҳокам қилинди.

## Кичик бизнес кўллаб-қувватланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

ва фермер ҳужалиқлари уюшмаси фаолияти ҳамда Деҳқон ва фермер ҳужалиқларини ривожлантиришга қўмаклашиш ва молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти ҳақидаги ахборотлар тингланди.

лашнинг кучайтириш мақсадида кредит портфели таркибининг тоққирини таъминлаш, халқаро молиявий институтлар кредитларини жалб этиш ва ўзлаштиришда фаол иштирок этиш вазибалари тошпирилди.

салмоғини кўпайтириш, янги иш ўринлари барпо этиш, ташқи ва ички инвестицияларни жалб этиш бўйича чоралар кўриш тавсия қилинди.

## Давлат айбловчиси жазо сўради

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 12 нафар айбловчи устида давом этаётган суд жараёнида асосий жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари тинглаб бўлинди.

## Шоли мўл бўлди

бўйича ҳозирча энг юқори кўрсаткич бўлиб турибди.

## Душанба хабарлари

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

## Курраи заминда

Маҳфий ҳужжатлар сабаб...

## Мамлакатимизда

Машаққатли хирмон

Жўжани кузда санашаяпти

Ҳокимликда мулоқот

## Оқ уйда мулоқот

Яна бир айблов

## Нихоят... харидор топилди

Пойтахтда

## Жўжани кузда санашаяпти

Ҳаётимизда мулоқот

## Ҳокимликда мулоқот

Кўннинг тус олган мулоқот

## Яна бир айблов

Перуда президент Альберто Фухимари билан боғлиқ яна бир сиёсий жаънаж бошланганда кўрилади.

## Нихоят... харидор топилди

Навоий вилоятининг асосий маъдонини ташиқлаётган янги йилда жамоат кўй-ишлар парварин қилинмоқда.

## Жўжани кузда санашаяпти

Ҳаётимизда мулоқот

## Ҳокимликда мулоқот

Кўннинг тус олган мулоқот

## Яна бир айблов

Перуда президент Альберто Фухимари билан боғлиқ яна бир сиёсий жаънаж бошланганда кўрилади.

## Нихоят... харидор топилди

Навоий вилоятининг асосий маъдонини ташиқлаётган янги йилда жамоат кўй-ишлар парварин қилинмоқда.

## Жўжани кузда санашаяпти

Ҳаётимизда мулоқот

## Ҳокимликда мулоқот

Кўннинг тус олган мулоқот



# Ҳилоят йўлига

**Юртимиздан етишиб чиққан, ислом оламининг забардаст устунларидан бири саналган аллома Имом Мотуридий ҳақида гап кетганда, шундай табиий савол туғилади: ҳўн, нима учун аллома таълимоти кўп асрлардан бўйи бирдек қадр-қиммат ва эъзозга сазовор бўлиб келмоқда? Бу таълимотнинг моҳияти нимадан иборат? Аллома мероси қайси жиҳатлари билан бугунги кунда ҳам долзарб ва қимматлидир?**

**Авалло, Имом Мотуридийнинг номи ҳар доим тарихнинг мураккаб даврида мўмин-мусулмонларни ҳилоят йўлига бошлаб, динимизнинг поклиги учун бугунги ва адашган фикрларга қарши курашган зот сифатида чексиз ҳурмат билан тилга олинади. Ислам ақоидидаги икки маъҳабдан бири Мотуридия маъҳаби деб юртилади.**

## Убайдулла УВАТОВ, филология фанлари номзоди

Буни янада соддароқ қилиб тушунтирадиган бўлсак, аллома яратган таълимот мўмин-мусулмонларнинг эътиқоди йўлида асосий манба сифатида хизмат қилади. Бу таълимотда динимиз аҳқомлари, иймон-эътиқод билан боғлиқ масалалар шу қадар мукамал ва батафсил таҳлил этиб берилганки, мусулмонлар ҳаётида мураккаб муаммоларга дуч келганда, мушкул аҳволга тушиб қолганда, ундан ўзларига зарур энг тўғри жавобни сира қийналмай топиб олади. Шунингдек, бу таълимот моҳият-эътибори билан келажакка қаратилгани, ўн бир асрдан бўён мўмин-мусулмонларни огоҳликка, муқаддас динимизни ёт қарашлардан қўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундаб келаятгани билан ҳам қимматлидир.

Иккинчидан, Имом Мотуридий ўз таълимотида халқимизнинг кўп минг йиллик қадриятлари, айнава ва удуларидан келиб чиқиб асос солган. Анниқроқ айтганда, аллома ислом динини халқимиз мафқураси билан мустақкам пайвандаланганки, бу миллий қадриятларимизни то шу кунга қадар яшаб келаятганига замин яратган.

Энди бевосита Имом Мотуридийнинг таълимоти ҳақида гапирадиган бўлсак, аллома суний оқимдаги ханафия маъҳаббининг асосчиси Абу Ханифа ҳазратлари таълимоти билан нафақат давом эттирган, балки ушбу

ийналишдаги калом илмига асос солган. Аллома яшаган даврга қадар калом илми фақат нақла (ривоят, ахборот) суянар, таълимот сифатида ҳали шаклланимаган эди. Буюк ватандошимиз, таъбир жоиз бўлса, калом илмига жон бағишлади, уни тўла шакллантириб, яхлит таълимотга айлантирди. Аллома асос солган калом илмини кузатар эканмиз, у асосан икки манбага: ақл ва нақла таяниб иш тутганига гувоҳ бўламиз. Бу фикримизни янада анниқроқ айтишда бўлсак, аллома ўз таълимоти билан шу икки манба ўрталиғида (арабча тавассути) яратган. Албатта, бу — бежиз эмас. Чунки ислом таълимотида ҳам диний, ҳам дунёвий ишларда ўртача бўлишлик, муътадиллик гоёси мақбул қўрилади. Куръони Каримнинг «Бақара» сурасининг 143-оятинда «Шунингдек, (яъни ҳақ йўлга ҳилоят қилганимиз каби) сизларни ўрта (адолат) бир миллат қилдик», дейилади. Халқимиз орасида ҳам ҳар бир ишнинг ўртачаси яхшидир, деган ҳикमत бор.

Албатта, диний таълимоти тавассути, яъни, муътадиллик асосида ҳаётга таъбиқ этиш осон кечмаган. Бунинг учун ақл аҳқомла-

рини ҳам, нақл аҳқомларини ҳам мукамал билиш талаб қилинган. Имом Мотуридий мана шу талабларга тўлиқ жавоб берган, ақл ва

нақлага асосланган ўз қарашларини адолат нуқтан назаридан туриб баён қилган. Шу билан бирга, аллома фикрий (ғовий) муस्ताқилликка ҳам алоҳида эътибор берган, қандайдир бирор тоифа ёки оқимга оғиб кетиш, мутаассибликка берилиш каби иллатлардан батамом узоқ бўлган.

Маълумки, билиш (маърифат) назарияси калом илми билан шуғулланган барча олимларнинг ҳамиша диққат-эътиборида турган. Лекин бу масала билан илмий асосда жиҳдий шуғулланиш ва ўзидан сезиларли из қолдиришга фақат Имом Мотуридийгина муваффақ бўлган. Аллома қаламига мансуб икки йирик асар — «Китоб ат-тавҳид» ва «Китоб таъвилот аҳли ас-Сунна» билиш назариясига бағишланган. Айниқса, алло-

манинг «Китоб ат-тавҳид» асари калом илмидаги билиш назариясига бағишланган энг дастлабки мукамал манба сифатида бениҳоят қимматлидир. Имом Мотуридий таълимотида кўра, билишнинг учта асосий манбаи бор: ҳиссий (сеғиз) аъзолар, нақл-ривоятлар ва ақл-идрок. У ўзининг билиш назариясида инсонни улуғлаб, унинг ақл-идроки ва тафаккурига юксак баҳо беради. «Улар тафаккур ва тадқиқ билан қарасалар эди, — дейди Имом Мотуридий, — Оллоҳ таоло ҳам бандаларини тафаккур ва тадқиқ, ибрат ва тажриба билан иш қилишга буюрганини тушунар эди. Ибрат ва тафаккур эса илм манбаларидан биридир.»

Агар чуқурроқ мулоҳаза юритсак, алломанинг бу қарашлари замирида катта маъно ётганига ишонч ҳосил қиламиз. Шу боис ҳам, бу гоълар ўзининг ҳаётий ифодасини топиб борган сайн Мовароуннаҳр заминидан илм-фан, адабиёт ва санъат гуржариб ривож топган. Кейинчалик теурийлар олтин даврининг юзага келишига ҳам бу гоълар зарур шарт-шароит яратиб берган. Шунинг ўзи ҳам Имом Мотуридий таълимотидагидек нечоғли юксак аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Аллома барча амаллар — меърифат, эътиқодлар, қондалар, фаолиятларни Оллоҳ яратди, лекин уларга муносабатни инсон ўз инон-ихтиёри билан амалга оширади, деган фикрни дадил илгари суради. «Бу жарраёнда, — дея таъкиллайтиди аллома, —

«афъоли ихтиёрий» яъни, ирода эркинлиги мавжуд.» Бу талқин гарчи, барча ишлар Оллоҳ таоло томонидан муқаддас (тақдир) этилган бўлса-да, лекин инсон афъоли эркинлиги ҳам берилган, деган маънони англатади.

Аллома Имом Мотуридий бундан қарийб ўн бир аср муқаддам илгари сурган бу гоъ бир томондан, инсоннинг ўз хатти-ҳаракатлари олдида масъуллиги ва эътиқодий жавобгарлигини оширса, иккинчи томондан, инсон тафаккури, ақл-идроки ва салоҳиятининг имкониётлари чексиз эканлигини кўрсатади.

Шунинг учун ҳам бу ҳаётбахш таълимот Яқин Шарқ, Марказий Осиё, Туркия, Жазоир каби мамлакатларда кенг ёйилган, ислом дунёсидаги барча дорилфунунлар ўқув дастуридан жой олган.

Биз узоқ йиллар мана шундай бебаҳо хазинадан беҳора яшаб келдик. Албатта, бу ҳол маънавий ҳаётимизга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмади. Яратганга минг қайта шуқри, бугун халқимиз ўзининг аллома фарзанди хотирасига муносиб ҳурмат кўрсатиб, унинг бой меросидан тўла баҳраманд бўлиш, ўқиб-ўрганиш имкониётига эга бўлган экан, бу ҳеч шубҳасиз, эртага ўзининг юксак самарасини беради. Бу таълимот ҳилоят йўлидан ашаган бугунги гуруҳларнинг фони этиш, халқимиз, айниқса, ўсиб келаятган ёш авлодга муқаддас динимиз, иймон-эътиқод ҳақида ишончли ва тўғри тасаввур беришда, муҳим аҳамият касб этади.

Ҳадиси шарифлардан бирида, илм ўз соҳибни мартабасини улуғлайди, дея марҳамат қилинади. Бунинг исботини ўн бир асрдан бўён мусулмон оламининг энг буюк сиймоларидан бири сифатида эътибор этиб келинаётган Имом Мотуридий тимсолида ҳам яққол кўриш мумкин.

«Шайх Абу ал-Мотуридий қуддуса сирруҳу (унинг қабри муқаддас зиёратгоҳга айлан-тирилган). Ўз замонасининг аълам уламоси (йўлбоҳисини) эрмиш. Ул вақт уламоси аларни «Султонул муззин» (иззатли султони) дер эмишлар. Зоҳир (ташқи) ва ботин (ичқи) улуми (илм) била ораста эрмишлар... Шайхнинг муборак қабрлари Самарқанднинг Чокордиза гўристонидадур.» Алишер НАВОЙИ

«Абу Мансур Мотуридий нафаслари миқдоридоги илмларни ўзида жам этган, бор кучларини шу илмларни тарқатиш ва ўргатишга сарфлаган, шунинг учун ёзган асарлари мақтовларга сазовор бўлган ва ўз умридан серҳосил медаларни олишига эришган зотдир.» Абу Муин НАСАФИЙ

«Ҳазрати рисолат (пайғамбар) замонида бири ул миқдор аиммаи исломким (ислом уламолари), Мовароуннаҳрдин пайдо бўлубтур, ҳеч бир вилояттин маълум эмаским мунча пайдо бўлмуш бўлмағай. Шайх Абумансурким, аиммаи каломдандур (калом уламоси), Самарқанднинг Мотрид оптиқ маҳалласидиндур. Аиммаи калом (калом илми) икки фирқадур, бирни мотридия дерлар, бирни ашъария дерлар. Мотридия Шайх Абумансурга мансубдур.» Заҳириддин МУҲАММАД БОБУР



Ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмайди. Бунёдкорликни, савобли ишларни қадрлаган халқимиз йўлбоҳисини раҳнамолигида ҳар йили улуг аждодларимиз шарафига мумтоз обидалар, файзли зиёратгоҳлар яратмоқда, овоз Ватанимизни обод қилмоқда.

Имом Мотуридий мақбарамажмуи ҳам, сиз ушбу суратларда кўриб турганингиздек, минглаб юртдошларимизнинг фидокорона меҳнатлари билан қад ростлади.

## КЕЛБНИ ПОКЛАЙДИГАН, АҚЛНИ ЧАРХЛАЙДИГАН ТАЪЛИМОТ

Эсимда, бундан етти-саккиз йил муқаддам бир анжуманда олимларимиздан бири биз динда мотуридия таълимоти бўйича эътиқод қилишимиз тўғрисида гапирганда, унинг сўзларини тинглаб туриб, ростини гап қаттиқ ҳижолатга тушсаман. Чунки мусулмонларнинг эътиқоди йўлида муҳим манба сифатида хизмат қиладиган уқаб таълимот яратган, бунинг устига, киндик қони шу туپроқда тўкилган аллома ҳақида тасаввурга эга эмаслигим ўзимга жуذا оғир ботсан.

### Нурбой ЖАБОРОВ, филология фанлари номзоди

Тўғри, бугун ҳам Имом Мотуридий мероси тўғрисида кўп нарса биламиз, дея олайман. Лекин, энг муҳими, бугун аллома ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш, унинг меросидан тўла баҳраманд бўлишга кенг имконият яратилгани, бу борда қатор хайрли ва савоб ишларнинг амалга оширилаётгани ҳар биримизнинг чексиз қувонтиради.

Ҳақиқий олимнинг мероси масъумийликдан йироқ бўлади, замоналар ўзгариши мумкин, лекин бундай олимлар қолдирган илми нисбатан чинакам эҳтиёж ҳеч қачон сўнмайди.

Имом Мотуридий ана шундай умр бокий олимлар сирасига кирди. Бинобарин, аллома асарлари ўз замонасида қанчалик юксак аҳамият касб этган бўлса, ундан кейинги даврларда ва бугунги кунда ҳам шунчалик беқисс қадр-қимматга эгадир.

Ҳаромитлар, рофиэйлар, муржиълар, каромийлар сингари фирқалар Куръони карим оятларини ўзларининг тор манфаатларидан келиб чиқиб таълимотларни ўзига ўз ақллари билан маъжун сингарилаштираётган. Натияжада ҳаётда жаҳолдир, парокандалик авж олган, мусулмон олами ич-ичидан бузилиб, фирқалар ўртасидаги келишмовчилик ва зиддият кўп ҳолларда қонли жоғалорлар билан якун топган.

Бундай бузғунчи оқимлардан бири — караматийлар ҳатто Қабатуллоҳдаги қора тошини тавоф қилишни бийъат деб билишган. Улар 930 йил айнаи ҳақ маъноси пайтида Маккага бостириб кириб, тинч ақоли ва бир неча минг зиёратчинини қилчидан ўтказишган. Каъбани вайрон қилиб, муқаддас қора тошини иккига бўлиб ташлашган.

Мана шундай оғир бир вазиятда ватандошимиз Имом Мотуридий муқаддас динимизни сақлаб қолиш учун бу оқимларга қарши қатъият билан кураш олиб борган. Аллома Куръони каримнинг асл маъноси пайтида келиб чиқиб, бундай бузғунчи гуруҳларнинг давоси пуч ва ўта зарарли эканлигини исбот этиб, мўмин-мусулмонларни ҳилоят сари давват этган. Алломанинг «Китоб ат-тавҳид», «Китоб таъвилот аҳли ас-Сунна» асарлари маъжур фирқалар қарашлари ақли ва нақлини далиллар асосида кескин рад этилгани билан қимматлидир.

Қаранг, оранан ўн асрдан зиёд вақт ўтганига қарамай, бугунги кунда ҳам динни ўзларига иккоб қилиб олиб, ризозлатга кўл ураётган, беғуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлаётган бузғунчи оқимлар маъжуд. Фақат улар ўтмишдашларидан фарқи ўлароқ ўзларини «Ваҳобий», «Ҳизбут таҳрир», «Акромийлар» деб аташмоқда.

Аммо умридан нопок мақсад-муддаоси, таянган йўли бир-бириндан қўла фарқ қил-

майди. Имом Мотуридий ақоидида расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, аҳлиб киром, тоъбеси ва авлиёларга тавассути этиш, яъни уларни босида, вайсила қилиб дуо қилиш дунюнинг қабулига сабаб бўлади, дейилади.

Буни янада соддароқ қилиб айтганда, ўтган улуг аждодларимиз, азиз-авлиёларни ёлга олиш, улар ҳақиқига дуо қилиш, хотирасига муносиб эҳтиром кўрсатиш, қабру мақбараларини обод этиш энг катта савоб иш саналади.

Шундан келиб чиқиб айтладиган бўлсак, истиқлол йилларида халқимиз Президент Имом Каримов раҳнамолигида Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, ал-Фароғий, Амир Темур, Жалолиддин Мангубери каби улуғ аждодларимиз хотирасига муносиб эҳтиром кўрсатиши, уларнинг мақбараларини муқаддас зиёратгоҳларга айлантириши диний аҳқомларимизга тўла мос тушушини кўрамиз.

Ҳадиси шарифларнинг бирида ҳам, кимки қабрларини зиёрат қилибди, бамисоли пайғамбарларини зиёрат қилибди, дейилади. Ваҳобийлар, умуман айтганда, шунга ўхшаш бузғунчи оқимлар эса, ўтмишнинг бутунлай инкор этиб қолмай, ўтган азиз-авлиёларнинг хотирасини эъзозлаш, уларнинг қабру мақбараларини обод эътироҳга айлантиришини бийъат деб билиди.

да илм излаш, заҳмат чекишга буюрилиб, шундай дейлади: «Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларга айтдилар: «Кимнингки кечаги ва бугунги кун барибар бўлса, у маъбуддур. Яъни, у ютқазибди. Ҳар кимнинг бугунги кунги кегагидан кам бўлса, у маъбуддир. Яъни, у лаянатга учрабди. Бугунги кунги кегагидан зиёда бўлган киши марҳумдир. Яъни, Худонинг раҳматига сазовор бўлибди.» «Марҳум» деган сўз вафот этганларга нисбатан ишлатилишга ҳақ деб ажабланманг. Аслида бу сўзнинг дуғавий маъноси «Худонинг раҳматига эришиш» маъносини англатади, тирикларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин.

Ушбу ҳадиси шарифни эшитган саҳобай киромлар «Бугунги кун кегагидан зиёдрок бўлиши учун нима қилиш керак?» — дея беш қотиришибди. Бирлари ҳар кунги кегагидан кўра кўпроқ нафл намозни ўқийши маслаҳат берибди. Қараша, бунинг ҳеч четараси йўқ. Қолаверса, инсон зотининг тоқат ҳам чексиздир. Иккинчидан ҳар кунги нафл рўза тутиш маъқул эканлигини таъкиллабди. Мулоҳаза қилинса, бу йил билан ҳам бугунги кунни кегагидан ортиқ қилиб бўлмайди. Сўнг улар ўйлай-ўйлай Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурига боришиб, маъжур ҳадиси шариф беришини у кишининг ўзларидан сўрашибди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бугунги куннинг кегагидан ортиқроқ бўлиши учун фақат илм талаб қилиш зарурлигини таъкиллабди эканлар.

Назаримизда, Имом Мотуридий сингари улуг аждодларимиз ушбу ҳикматга бир умр амал қилиб яшаганлар. Шунинг учун ҳам чинакам илм неча асрлардан бўён уларнинг

Бизни ёшларнинг йўлдан топиб, бузғунчи оқимларга ара-лашиб қолаятгани ҳақида уйла-ганда, бунинг асосий сабаби — илмсизлик, маърифатдан йироқ эканлиги деб бўлади. Менинг шунга ишончим комилки, бундай ёшлар на диний, на дунёвий илмда мустақил фикрга эга. Улар мунофиқ кимсаларнинг аловига, ёлгон вазъларига учиб, шундай йўлга кириб қолган.

Ҳолбуки, улар дин, иймон-эътиқод масалалари ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлганда, ақл-идроки оқин қорандан ажратилишга етганда, ҳеч қачон бундай нопок йўлга қдам босмасди.

### ҲОМИДХОН ИСЛОМИЙ

«Насойимула муҳаббат» таърири бугунги учун илмий асар ҳисобланади. Шу боис унда Урта Шарқ, Ҳиндистон ва Марказий Осиёда яшаб ижод этган ва фаолият кўрсатган ашъарий номин ўрин олган. Демак, Абу Мансур ал-Мотуридий ҳам авлиё мартабасига эришган зот бўлган. Алишер Навоий алломани «Шайх Абу Мансур» деб атайдди.

«Шайх» ислом ва тасавуф таълимотида байроқдор, йўлбоҳис деган маънони англатади.

Энди «ўз замонидагидек аълам уламоси» иборасига келсак, ўша замон олимларининг билимдон йўлбоҳисини, олим эканлигини билдиради.

Ҳўн, бу қайси замон эди? Бу — тасавуф ўз мақоми, таълимоти билан

## БИР ТАЪРИФ ТАЛҚИНИ

Бу — Жунайд Боғлодий, Мансур Халлоқ, Шайх Абу Бакр Шибий, Шайх Абдуллоҳ Ҳафиф, Шайх Абу Аббос Шурвайи каби алломалар яшаган давр эди. Албатта, юқорида номлари зикр этилган буюк алломалар бир-бирларининг илмий фаолиятларидан бохабар бўлган. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Имом Мотуридий буюк даҳолар замонидагидек аълам уламоси эди. Энг муҳими, ҳамма уламолар иззат қиладиган Султони ҳам, яъни, «Султонул Муззин» Мотуридийнинг ўзи эди. Алишер Навоий бу масалада шубҳа бўлмаслигини назарда тутиб, Имом Мотуридийнинг тасавуф дунёсига ҳам ишора қилиб ўтади. Жумладан, «Зоҳир ва ботини улуми била ораста» деб ёзади. Ҳазратнинг маъжур таърифи Имом

Мотуридий дунёвий ва ботиний илмларда ҳам мақомига етган, зийнатларга эга, деган маънони англатади.

Энди Алишер Навоий ҳазратларининг «Алардин гариб ҳолот манқулдур» деган иборасига келсак, Имом Мотуридий таъсир билан шуғулланаётганда, икки маст келиб, уларнинг бири шайхга беаҳдлик, ҳаракат ва сўз билан «мушавваш», яъни, ташвиш солади ва кўнглини хира қилади. Шайх ҳазратлари уни таъқ билан уриб, оёғидан судраганча чуқурга ташлаб юборди. Сўнг яна ўз ишига ҳўзур билан машғул бўлади.

«Бирга келган ҳамроҳи ул киши қани деб сўраса, шайх жавоб берадики, кишини билмайман, аммо бир ит келди, урўб ўлдирди, чуқурда ётур... Ҳамроҳи қараса, ўлган киши чиндан ҳам, чуқурда жонсиз ит каби ётган экан.

Демак, Алишер Навоийнинг «Хўзур била қиладургон ишларига машғул бўлдилар» иборасида буюк шайхнинг шундай воқеада ҳам кўнглини тийган, ўзига хотиржамлик бағишлаган ҳолатини кўрамиз. Иккинчидан, шайхнинг муборак оғзидан чиққан «ит» иборасига одамнинг ит шаклида кўриниши «каромат» нга гувоҳ бўламиз. Шунинг учун Алишер Навоий «Насойим»нинг асосий сарлавҳасини «Авлиёдулга воқеъ бўлгон ховорлик одот ва каромат босин» деб атаганлар. Яъни, авлиёлар ҳаётида бир-бирига зид одатлар ва кароматларини кўрсатганлар.

Алишер Навоий таърифда давом этиб, куйидагича ёзади: «Шайхнинг муборак қабрлари Самарқанднинг Чокордиза гўристонидадур. Замон подшоҳи ул табарруқ мазор бошида мутақаллиф масжид ясаптур.» Шайх Абу Мансур Мотуридийга Алишер Навоий берган таъсиф шундай оламшумул маънога эга.

# БОШЛОВЧИ АЛЛОМА

**Ажнаний олимлар маҳобатли Би-бихоним мадрасаси тоқдаги ноёб ва нафис исломий безаклар жилосидан кўз уза олмай қолишди.**  
**— Бу обида қачон бунёд этилган? — деб сўради улардан бири.**  
**— Соҳибкирон Амир Темур даврида, XV асрда... — дея изоҳ берди самарқандлик олим Абдуқодир Эргашев, инглиз тилида. Шунда америкалик олим ҳайратини яширмай, деди:**  
**— У пайтлар ҳатто бизнинг давлатимиз ҳам бўлмаган...**

Бугун Самарқанднинг осори атиқалари яна бир нақшинкор мовий гумбаз яшнаб кўзга ташланади. Бу — Имом Мотуридий ҳазратларининг меъморий мақбарамажмуидир. Ва у қадим тарихимизнинг янада олисроқ, халқимиз ҳаётининг янада нотинчроқ даврларини, ғурурифтхоримиз пойдеворини янада мустаҳкам этган сиймолар даҳосини ёдга солади.

шаққат зиёратчига кўп-кўп ҳикматларни аниқлатади. Одам йўлда нафас ростлаш билан бирга ўтган умрини таҳлил қилади, бу дунёнинг ўткинчилиги, инсондан фақат яхшилик қолиши, хайру саховат, ҳиммат ва меҳроқибат ҳақида ўйга толади, илоҳий муътабарлик нима эканини ҳис этади, кўнглини поклаб, зиёратчи ўзини тайёрлайди. Зиёратчи учун бундан қимматлироқ нарса йўқ. Агар шундан келиб чиқиб

дадил-ҳужжатга таяниб, турбатларнинг асл ўрни аниқланади. Шундан сўнг, апрел ойининг бошларидан бевосита археологик қазилма-тадқиқотта киришилди. Даставвал, қадимий манбаларда қайд этилган ва "дуо ижобат бўлатурган диалюшо жой" деб таърифланган, "ҳазрати Шайх Абу Мансур Мотуридий мазорлари ёнидаги масжид"нинг пойдевори топилди.

қандан жуда қадимги даврларга оид нодир топилмалар ҳам чиқди. Ҳозир бу ашёлар, улар билан боғлиқ тарих илмий асосда кўшимча тадқиқ этилмоқда...

## 4. Биринчи ғиштнинг қўйилиши

Шу йилнинг 28 августида Имом Мотуридий мақбара-мажмуи биринчи ғишт қўйилди. Албатта, бу

қанотдаги хонақоҳ... гўё минг йиллардан буён мавжуддек, зиёратгоҳдаги ҳар бир гийҳ кўз қорачиги каби асраб-авайлаб келинаётгандек таассурот уйғотади. Тўрт гектар ҳудудни ишғол этган хиёбон адоғида кенг-мўл йўлакдан мрамар зиналар орқали юқори саҳнага кўтарилади. Шунда ҳазратнинг мақбараси бутун маҳобати билан тўла намоян бўлади.

Ким ўзини таниса, Яратгани ҳам танишиди.

Яратганининг иродасидан ташқари инсон ўз хатти-ҳаракати учун масъулдир.

Этиқоҳ фақат сўзда дейиш — иккиозламачилик, мунофиқликдан бошқа нарса эмас. Этиқоҳнинг моҳияти қалб ризолиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Этиқоҳ инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракатида, яшаш тарзида, ҳеч шубҳасиз, ўзининг аниқ ифодасини топади.

Бизнинг Аллоҳ таоло ҳақидаги барча билимларимиз ақлдандир.

# Келажакка

# интилган сиймо

## Гаффор ҲОТАМОВ

### 1. «Фарзандларимизга муносиб ёдгорлик қолсин!»

Шу йилнинг баҳорида Имом Мотуридий ва Бурҳониддин Марғинович таваллуд айёмлари муносабати билан бунёд этилиши кўзда тутилган ёдгорлик обидалари лойиҳаси муҳокама қилинган эди. Меъморлар Имом Мотуридий ёдгорлиги Регистон майдонида барпо этилишини кўзда тутишган.

Лойиҳа билан танишиб чиққач, Президент Ислам Каримов: - Нега энди бу обида Регистон майдонида барпо этилади? — деб сўради. Шунда улар:

— Самарқандга ҳар кун юзлаб сайёҳлар келади, дейишди. Табиийки, сайёҳлар Регистон майдонини сайр этишади ва, албатта, Имом Мотуридий обидасида кўзлари тушади, натижада ҳазратнинг шўхрати зиёда бўлади.

— Сизларга қолса, Регистонда бир ёдгорлик тиклаб, навбатдаги тадбирни ўтказсангиз, бас, — деди Юртбошимиз норозилигини яширмай. — Бу обида бирон-бир ҳисобот учун бунёд этилаётгани йўқ. Биз улуг аждоғларимиз олдидаги фарзандлик қарзимизни ўтаймиз, инсоний бурчимизни бажарамиз. Бу — сиз билан биздан фарзандларимизга ёдгор бўлиб қолувчи, юртимизга файз киритувчи муътабар зиёратгоҳ бўлади.

Уни чин дилдан, ихлос билан бунёд этиш керак. Шунинг аниқлиги, Регистон бундай зиёратгоҳнинг ўрни эмаслигини сезар эдингиз. Нима деганда, Регистон бизга тарихдан ёдгор, ўз ҳолида мумтоз ва мукамал ансамбл.

Ҳақиқатан ҳам, бу майдонга ҳар кун юзлаб сайёҳлар келади, лекин Мотуридий ҳазратлари мақбарасини бу ерда қуришдан нима маъно бор? Ахир, у Регистонда дафн этилган эмас-ку! Мақбара деганлари қабр тепасида бўлмайди?

Қолаверса, сайёҳликнинг йўриғи бошқа. Ихлос ва зиёрат эса кўнглининг иши. Кимдир бу ерга ниёзманд бўлиб келса-ю, ажнобиёларнинг кузатувчисига айланса, энг ёмони, зиёратгоҳда зиёрат қилинмиши қабрининг ўзи бўлмас-а?!

Шундан келиб чиқиб, Президент биринчи навбатда Имом Мотуридий дафн этилган жойни аниқлаш, унинг ҳоқи покани илмий жиҳатдан ўрганиб, исботлаш лозим эканини уқтирди, шундан сўнг ҳазратнинг қабри устида мақ-

бара бунёд этилса, ўринли бўлади, деб таъкиллади.

Юртбошимиз Регистоннинг асл ҳолига ҳеч қандай зиён етказмаслик керак, деб таъкидлар экан, шўро даврида тикланган кинотеатр биносини ҳам бу ансамблдан олиш ҳақида маслаҳат берди. Чунки азал-азалдан шаҳардаги барча кўчалар Регистон майдонида келиб туташган. Шунга амал қилиб, музейни майдон билан боғлаш керак, бу эса ўз навбатида турли даҳалардан келадиган зиёратчилар учун қулайлик яратди.

— Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғинович дафн этилган қабристондан уч юздан зиёд муътабар сиймолар мангу макон топган, лекин мустабид тузум уларни халқимиз хотирасидан ўчириб ташлаш мақсадида бу жойни уй қуриш учун аҳолига тақсимлаб берган. Оқибатда мазористон ўрнида аҳолиси жуда зич маҳалла юзага келган, — деди Президент ўша йилгида. — Мажмуани бунёд этишда мана шу жиҳатларни ҳам, албатта, инобатга олиш лозим.

Президент Ислам Каримов қўлига қалам олиб, барпо этилажак зиёратгоҳ ва меъморий мақбара тарихини чизар экан, Мотуридий турбати илмий тадқиқини топғач, унинг қабри устида ёдгорлик бунёд этилишини уқтирди.

— Мақбаранинг кўриниши қадимий обидаларимизга монанд бўлсин, — деди Юртбошимиз. — Мовий рангдаги гумбаз тепасида ярим ой кўзга яққол ташланадиган турсин. Зиёратгоҳ саҳни мрамар билан безатилиб, зиёратта келувчилар учун ғиштин ўриндиқлар ишлангани лозим.

Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, мовий гумбаз остидан тоза ҳаво билан бирга ичкарига ёруғлик тушиб турсин. Зиёратгоҳнинг ўзида элик-олтмиш зиёратчи сағанани айланиб, дуойи фотиҳа қилиш имконига эга бўлсин. Бу — катта ишнинг бошланishi, холос. Орадан икки-уч йил ўтиб, биз яна бу масалага қайтамиз...

Шундан сўнг Президент Ислам Каримов Марғиловда бунёд этиладиган Бурҳониддин Марғинович обидасини кўча юзидан бир оз ичкарига олиш, унинг сокин ва камгарона кўринишига илоҳий маҳобатини уйғунлаштириш ҳақидаги ўз фиксини ифода этиб, бир нуқтага кўпчилик эътиборини қаратди:

— Нима учун Шоҳи Зиндага юқиниб келганлар қирқ зинани босиб ўтиб, зиёратгоҳга чиқиб борадилар? Чунки мана шу ма-

иш қилсак, бу зиёратгоҳлар ҳам ортиқча ҳашамдан холи, улуг боболаримизнинг ўзлари каби камгарона, аини пайтада файзли ва тароватли бўлиши керак...

### 2. Чокардиза

— Яширининг нима ҳождати бор, — дейди самарқандлик журналист Фармон Тошев. — Мустабид тузум даврида масжиду мадрасалар омондорона молхонага айлантирилди. Азиз-авлиёларнинг мақбаралари эса йўл ўтказиш, иморат қуриш баҳонасида бузиб ташланди. Қирқ саккизинчи йили Чокардиза ҳам аҳолига уй-жой қуриш учун бўлиб берилган. Ва қабристон ўрнида боши берк, тор кўчалар, бир-бирига мингашиб кетган тигиз уйлар вужудга келган...

Ҳолбуки, Чокардиза, Насафийнинг гувоҳлик беришича, мусулмон оламида энг муътабар қабристонлардан бири ҳисобланган.


### 3. Адолат йўлидаги тадқиқотлар

Президентнинг тавсия ва тақлифларига асосан шу йилнинг 25 мартда Республика Фанлар Академиясининг Самарқанд Археология институти олимлари илмий тадқиқот ишларига киришди.

Чокардиза қабристонининг гарчи номи сақланган бўлса-да, элик икки йил муқаддам ўзи текислаб ташлангани ва иншооту иморатлар қурилгани, бу ҳудудда одамлар истикомат қилиб келиши илмий тадқиқотлар жараёнида қийинчилик келтириб чиқариши табиий эди. Шу боис, энг аввало, археологлар Чокардиза қаламга олинган барча тарихий манбаларни синчиқлаб ўрганишди. Сўнг шу даҳада яшаб келадиган, мазористоннинг кўрган-билган, ўз вақтида зиёратга келган кесалар, ўтган ярим гектар экани, ўтганлар қават-қават қилиб дафн этилгани аниқланди. Шунинг ҳам айтиш жоизки, бу мас-

XIV-XV асрларда соҳибкирон Амир Темур бу масжиднинг жануби-ғарбида саййидлар хотирасини ҳурматлаб, мақбара қуриради. Шу мақбара қолдиқлари очилгач, ҳазрат Мотуридий дафн этилган турбат тугал аниқ-

ҳаяжонли лаҳзаларга бирдан стиб келингани йўқ. Турбатлар илмий тадқиқотнинг топғач, иккинчи босқич бошланди, яъни барпо



мовий гумбазлари, ҳавозалар, нақшинли уч қатор пештоқ, нафис безаклар ва мрамар устунлар, нақшинли тоқилар, нақш ўйилган кўш табақа дарвозалар Самарқанднинг қадимий обидаларини ёдга солади, лекин унинг меъморий ечимида кўзга ташланаётган XX аср миллий меъморчилик услубини ҳам рад эта олмай-сиз. Бейхитёр Имом Бухорий масжид-мажмуи ҳаёлинигиздан ўтади.

Миллий меъморий ўзига хослик аввало мақбаранинг ўймакор қошинлари нақшланганлигида, унинг тўрт бурчагига кўрк бағишлаб турган мрамар устунлар жойлашиши ва жозибасида яққол кўзга ташланади.

Зиёратчилар ҳазратнинг мақбарасига нафис исломий безак солинган маҳобатли эшиклардан кириб боради ва нақшиндор панжаралардан қуюлган шўла

"қабр узоридаги кўк тусдаги сағана тош"га сирли бир мунавварлик бахш этаётганига гувоҳ бўлишади. Файз таратувчи бу маскан ниҳоятда сокинлиги билан кишини ҳайратга солади.

### 5. Йилларга татиқлик 59 кун

Бугун, Имом Мотуридий мақбара-мажмуи 59 кун ичида қуриб битказилди, десак, эҳтимол ишонгингиз келмас. Лекин шу фурсат ичида яна бир дунё хайрли ишлар ҳам амалга оширилди. Зиёратгоҳдан Регистон майдонида олиб чиқувчи "Ғиждулов", "Бухоро" кўчалари кенгайтирилди ва тўла таъмирланди, сўл тарафдаги боши берк "Кулолон"

тор кўча Регистонга олиб чиқувчи, эни йигирма метрлик кенг кўчага айлантирилди. Майдондаги эски кинотеатр биноси ўрнида зиёратгоҳ сари чўзилган замонавий кўркам хиёбон барпо этилди. Сувлари сержило фавворалар, маржондек тизилган тунги чироқлар унга афсонавий фусун бағишлаб турибди.

Бир замонлар оёқости қилинган, болалар боғчаси кимнингдир хусусий уйига "айланган" Маълуми Хоразмий масжиди тўла очилди ва унинг асл тарихий-меъморий кўриниши қайта тикланди. XVI асрнинг бу меъморий обидаси ҳам бугун қадимий шаҳар кўркига кўрк қўшаётир.

Самарқандлик йўлчилар йўл солиши, гулчилар эса йўл бўйларига гул экиши. Мотурдиқлар улуг ҳамқишлоқлари шарафига ҳазрат Мотуридий боғини барпо этишди...

### 6. "Қаранг, бу обида қанчалар кўркам..."

— Мотуридий зиёратгоҳида бармоғим излари қолганидан ифтхор қиламан, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Мирмурад Асадов. — Биз - икки ўғлим, шогирдларим билан мақбара гумбаз ва равоқларига жило бердик. Наҳиддин Амриевнинг бинокор усталари эса ички безакларни ишлашди. Хоразмлик ва бухоролик меъморлар ҳам мақбарага миллий жило беришда ўз санъатларини намойиш этишди. Қаранг, бу обида қанчалар кўркам, улугвор. Назаримда, қадимий шаҳримизга янада файз киргандек.

Биз мана шу эзгу ишларнинг барчаси учун муҳтарам Юртбошимиздан қардоримиз. Ҳазрат Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, "Шахидлар хотираси" обидаларини бир эсланга, қанчалар-қанча тенгсиз боболаримиз не не замонлардан бери ердан бош кўтара олмай ётган эдилар, шу зот уларнинг чирогини ёқиб, бошларига иззат тоқини қийгази.

— Чокардизадаги улуг ишлар халқимиз учун асрий армон эди, — дейди шарқшунос олим Ботирхон Валихўжаев. — Азизларнинг топталган руҳи имлод тилаб, йиллар мобайнида чирқираб келди. Ниҳоят, адолат тикланди. Кеча хорликка юз тутган Чокардиза бугун эл баҳраманд бўладиган обод зиёратгоҳга айланди, шунинг нисолида ҳам

халқимизнинг ўз буюк аждоғлари, пиру устозларга нечоғлиқ оқибатли эканини бутун мусулмон олами кўриб турибди.

— Муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида қилинган ва Аллоҳ таолонинг марҳаматида сазовор бўладиган бу эзгу иш ҳар биримиз учун ибратлидир, — дейди Имом Бухорий масжид-мажмуи имом хатibi Усмонхон Олимхон ўғли. — Қаранг, бундан ярим йил аввал шу зоти шарифларнинг мақбараси хонақоҳи эмас, ҳатто мазоридан белги йўқ эди. Ҳокитуроблари гоят ачинарли аҳволда оёқ ости бўлиб ётганди. Бугун улар яна қад кўтарган, соҳида халқ соялайдиган дарахтларга ўхшайди. Бу шундай илмки, унинг фойдаси барчага баробар бўлади.

Бу қутлуғ маскан Самарқанд чирогини қанчалар очиб юборган бўлса, азизларимизнинг миннатдор руҳлари юртимизга шунчалар илоҳийлик бағишлаётганига шубҳа қилмайман.

### 7. Хотима ўрнида


Муътабар зиёратгоҳдан қайтар экансиз, дунёдаги энг улуг савоб, энг улуг мартаба, энг улуг шараф - ўзинг баҳраманд бўлаётган неъматини қадрлаш, бу ниҳолни эканларни унутмаслик, уларнинг яхшиликларини ҳаққини ало этиш эканини юрак-юракдан ҳис қилмаслик мумкин эмас.

Ҳаёт бор экан, эзулик ва ёвузлик ўртасида кураш давом этади. Бу нури сиймолар тоабд эзуликни, ҳидоятни ёқлашган, уларнинг руҳий дунёсига тегаранлик, бепоянлик, илмий хулосаларидagi маърифий тугаллик, самимият ҳар биримиз ўз бўй-бастимининг, кимлигимизни, элтиқд ва интилишларимизни ўлчаб қуришга, баҳолашга тўла имкон беради.

Шунинг учун ҳам биз улуг боболаримизни беҳад ардоқлаймиз, уларга бўлган ҳурмат-эҳтиромимиз чексиз, лекин тафаккур дунёсига муътабар зиё бағишлаган бу шарафли зотларга муносиб фарзанд, муносиб ворис бўлишни ҳам ҳеч вақт унутмаслик лозим. Зеро, бу - улар яратган улуг мактаблар сабоғидан баҳрамандликни, уларнинг эзулик таълимотини, тафаккур машъаласини янада баланд кўтаришни тақазо этади.

Кўш саҳифа Президентнинг Жамоатчилик билан алоқалар бўйича Давлат маслаҳатчиси ҳизмати томонидан тайёрланди.





Озод РАЖАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Юрт доврғини ёйиш — шараф

# От арабада Самарқанддан Парижгача

Тепасига Ўзбекистон байроғи қадалган от аравани Германия полицияси тўхтати.

— Биз аравани транспорт сифатида тан оламиз, — дейиши маҳаллий тартиб сақловчилар. — Лекин мавжуд қонун-қоидаларимизга кўра, улловингизга кўчаларимизда ҳаракат қилишга рухсат бера олмаймиз. Чунки, «транспорт» ингилизнинг тормази, ёритиш ва бурилишни аниқлашчи чироқлари йўқ.

Зиёқиддин ака қўлини кўксига қўйиб «Акажон, укажон» деб кўрди. Булмади. Яхши ниёт билан Францияга кетаётганини айтди. Ниҳоятини қўллаб-қувватлади, аммо ҳар қанақа меҳмонга ҳам тартибини бузиши мумкин эмаслигини тўхтатиришди.

3. Мамажонов нима қилишини билмай, боши қотди. Бахтли тасодифни қарангки, Зиёқиддин аканинг ўзбекча дўпписи шу ердан ўтиб кетаётганини тортди. Ва, у салом-алиқдан сўнг сўради: — Ўзбекисизми?

— Ҳа.

— Шу аравада Ўзбекистондан келаяптисизми?

— Албатта. Мана, аравамига ёзиб қўйганимиз: «Самарқанд-Париж».

— Э-ҳа, бўлмаса танишиб қўялик. Мен Владимир Федотов, асли россияликман. Ҳозир шу ерда яшайман.

— Бу менинг ўлим Зило-

лидин, унис ёрдамчим Аскар Сотволдиев.

— Қани, бизниқига кетдик бўлмаса. Шу яқин орада тураман.

Владимир Федотов Зиёқиддин ака ва унинг шерикларини етти кун меҳмон қилди. Шундан сўнг уларни Гамбургга яшайдиган Бахтиёр Холов (асли жаззлик) билан таништириб қўйди. У эса ўз навабига триллер топиб, Зиёқиддин аканинг муаммосини ҳал қилди: отлар ва аравани машинага ортиб, Франция чегарасига элтди.

3. Мамажонов дегани ким бўлди, у от-араваси билан Германияда нима қилиб юрибди, деб ҳайрон қолаётган бўлсангиз керак. У киши асли Қирғизистоннинг Жалолобод туманидан. Шу мамлакатдаги ўзбек миллий-маданий маркази раҳбарининг ўринбосари. Суратда кўриб турганингиз аравада 2000 йилнинг 1 майида Самарқанддан йўлга чиқиб, 175 кундан кейин Парижга етиб борган.

Хўш, мажмур саёҳатни амалга ошириш гоёси қандай туғилди? Йўл ҳаракатини қўллаш учун ҳисса қўшган саховатпешалар ким? Зеро, бу ҳаракатлар оз эмас, кўп эмас 50 минг АҚШ долларини ташкил этди.

1996 йил Ўзбекистонда «Амир Темур йили» деб эълон қилинган. Шу муносабат билан Қирғизистондаги ўзбек миллий-маданий маркази ҳам қатор тадбирлар ўтказди. Ана шундай тадбирлардан бирида бобомиз Амир Темур родини ижро этдиш.

3. Мамажонов зиммасига туш-

ди. Лекин Зиёқиддин ака, Темур бобонинг родини уйнашга юраги бетламайди. Қизиги шундаки, тасодифми ё қандайдир руҳий жараёнлар сабаб шу кунни Зиёқиддин ака туш кўради.

Тушида Амир Темур оқ от миниб унинг ёнига келади ва шундай дейди:

— Билиб қўй, сен қачон бўлмасин, мен босиб ўтган йўллардан Парижгача боришинг керак.

3. Мамажонов соҳибқирон родини аjoyиб тарзда ижро қилди. Сўхбатдошларига кўрган тушини айтиб берганида, кўпчилик устидан кулади...

Хуллас, Зиёқиддин ака Амир Темур давлатининг пойтахти Самарқанддан то Парижгача боришга қатъий қарор қилади. Бунинг учун махсус арава ясаптирди. Ўз саёҳатини моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлашларини сўраб, кўпгина ташкилот ҳамда вазирликларга хат ёзди. Бироқ, ҳеч қандай амалий жавоб ололмади.

Фақатгина юқорида тилга олинган ўзбек миллий-маданий марказ раҳбари Қолижон Ботиров виза ва молиявий масалаларни ҳал қилишни ўз бўйига олади.

Шундай қилиб, Зиёқиддин Мамажоновнинг Амир Темур босган излар буйича Самарқанддан йўлга чиққан арава Биухоро, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Қозғоғистон, Россия, Беларусиядан ўтиб Польша чегарасига келади.

Юқорида саёҳатчиларимиз-

нинг Германиядаги «сарғушаш»лари ҳақида тўхталгандик. Ундан аввал эса Польша чегарасида қуйидаги муаммага дуч келинган эди.

Польшанинг қонун-қоидаларига кўра, фақат маҳаллий ветеринария марказида текширилганга маҳаллат ҳудудига олиб кириш мумкин экан. Зиёқиддин ака ўз отларини мазкур марказда текширувлан ўтказмоқчи бўлди. Бироқ, бунинг учун катта пул талаб қилинди.

Иложисиз қолган 3. Мамажонов Польшадаги инсон ҳуқуқлари марказига мурожаат қилди. Ҳар қандай янгиликдан бохабар юрадиган маҳаллий журналистлар бу воқеани эшитиб, кўпгина газеталарда «Ўзбек Польшада от изляпти» сарлавҳаси остида мақолалар босишди.

Зиёқиддин ака бу сўхбат-мақолаларда Амир Темурнинг Европани мўғул истилочларидан овоз қилишдаги ўрни ҳақида мароқ билан, тарихий далиллар асосида ҳикоя қилган.

Шундан сўнг саховатпеша поляклар қаҳрамонимизга Польша отларини тақдим этишди ва Зиёқиддин ака ўз саёҳатини давом эттирди.

Францияда Зиёқиддин ака ва унинг шерикларини Париждаги Темирийлар жамияти раҳбарлари — профессор Люисен Карен ва Бекта Бруфий хоним кутиб олишди. Жамият аъзолари Амир Темурнинг жаҳонда тутган ўрни ва соҳибқирон шахсига ҳурмат бажо



Хикмат  
Онанинг бир қўли бешиқни, иккинчи қўли дунёни тебратди.

Санъат  
«Юрагимдан унган гулзорим!»  
Марат АСАДУЛЛАЕВ

Санъатта ошно бўлган юрак соҳиби доим гўзалликка, нафисликка интилади. У санъатнинг қайси турида ижод қилмасин, ҳаётдан яхшиликни, эзгуликни қидиради. Ўзи кашф қилаётган, санъат тури орқали юрагининг тубида унган гулзорини ўзига хос йўл билан халқига тақдим этишга ҳаракат қилади. Биз ижодига назар ташламоқчи бўлган ижодкорлардан бири «Ўзбектеелефильм» студиясининг аjoyиб режиссёри Баҳодир Аҳмедов ҳам мана ўттиз йилдириқ юрагидан униб чиққан гулзоридоғи гулларини кинофильмлари орқали халқимизга тақдим этиб келмоқда.

Баҳодир Аҳмедов Санъат институтида машҳур санъат усталаридан бири Марк Арнонович Рубенштейннинг режиссура таҳсил олди. Унинг кузатувчанлиги, оддий воқеа ва ҳодисалардан катта фалсафий умумлашмалар чиқара олиши диплом спектаклида ҳам намойиш бўлган. Баҳодир Аҳмедов институтидан сўнг фаолиятини «Ўзбектеелефильм» студияси билан боғлади. Шу кунчага 130 дан ортиқ турли жанр ва мавзулардаги фильмлари яратди. Бу фильмлар асосан ватанпарварлик, мустақиллик ва Ватанга садоқат гоёлари билан сугорилган бўлиб буюк адабиётимизнинг буюк намояндалари, ўтмиш тарихимиз ва бутунги кунимизга бағишланган.

Унинг «Ўзбекистон», «Мустиқлик одимлари», «Истиқлол қўшиғи», «Ўзбекистон — бешинчи дорон» каби фильмларида юртимизда истиқлол руҳи, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги туб ўзгаришлар бадий ва хроникал кадрлар орқали ўзининг ҳақоний ифодасини топган.

Режиссёр бу туркумдаги ҳар бир фильмда келажак буюк мамлакатнинг мустиқлиги қандай бораётганини миллий руҳда акс эттиришга ҳаракат қилган. Унинг Фитрат, Чўпон, Усмон Носир, Шайхзода ҳақидаги фильм-портретлари эса ўтмишдаги адабларимиз меросини келгуси авлодга етказишга ҳизмат қилиши шубҳасиз.

Б. Аҳмедов нафақат кинорежиссёр, балки ўзи фильмларида сценарий ҳам ёза оладиган кўп қиррали забардаст кино ижодкоридир. «Буюк ипак йўли», «Хон атлас», «Олис келажак», «Латиф Файзиёв», «Истиқлол қўшиғи», «Севги рақси», «Зардулар», «Мусаавир Малик Набиев», «Афсонавий Бухоро» каби фильмларини муаллиф ва режиссёр сифатида ўзи яратган. «Унутмас мени боғим», «Ташрежда бир оқшом», «Буюк Турон», «Орол менинг тақдиримда» каби телефильмлари Болгария, Германия, Туркия каби мамлакатларда бўлиб ўтган телевизион фильмлар фестиваллари соҳибдори ҳисобланади.


Ижодкор мустиқли фильмлар яратишга эътибор бериб келди. У бу фильмларга кўпроқ мустиқил Ўзбекистонимизнинг гўзал манзараларини, табиат кўринишларини, унинг гўзалликларини, сервирок тоғу тошларини, аjoyиб боғу розларини, қўшиқчининг ёқимли куй ва қўшиқлари орқали тасвирга муҳрашга ҳаракат қилади. Унинг Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган артист Бахтиёр Холқўжаев ижро этган қўшиқлари асосида яратилган мустиқли фильми «Юрагимдан унган гулзорим» деб аталади. Зотан, фақат ушбу фильм эмас, балки Баҳодир Аҳмедов яратган барча фильмларини биз том маънодаги «Баҳодирнинг юрагидан унган гулзор чечаклари» деб аташимиз мумкин.

Забардаст кинорежиссёр Баҳодир Аҳмедовнинг юрагидан унган гулзорининг гуллари доимо барқ уриб, яшнаб боришини тилаб қоламиз.



P.S. Азиз газетаси! Таҳририят келгусида 3. Мамажонов билан учрашув ўтказишни режалаштирган. Агар у кишига саволларингиз бўлса қуйидаги телефонга кўнграқ қилинг: 132-11-15

## БИЗНИЧИТ ДЕРАЗАЛАРИМИЗДАЧ ДУҚЕ ТЎЗАЛ КЎРИЧАДИ.



Алюминийдан тайёрланган дераза ромлари ва витраж тизимлари:

- турли шакл, ўлчам, рангдаги дераза, эшик, витражлар тайёрлаш
- турли аркалар тайёрлаш
- чанг ва товуш ўтказмаслик
- ойналарнинг ҳаво ўтказмаслиги
- очиладиган ва суриладиган курилма, жалюзилар ўрнатиш учун қўлай
- ёнғиндан хавфсиз.

Якка буюртмалар қабул қиламиз. Йил мобайнида сервис хизмати кўрсатиш.

### ALQUR

Манзил: Тошкент ш., Бетопарк тумани, «Оқовор» шохўрчи, 2. Тел.: (371) 185-67-78, 185-67-74, 130-79-90. Факс: (371) 98-47-00.

Тизимче дилдорларимиз: Андижон ш., Фитрат кўчаси, 214. Яил./факс: (37422) 25-25-94.

Қабол ш., «Фаниса Ко» фирмаси, Яил.: (43622) 30761.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси жамоаси «Буми Интернешнл Хотел» меҳмонхона мажмуаси бош менежери ўринбосари

Отхур ТОХТАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси жамоаси атоқли хонанда, Ўзбекистон халқ артисти, якка хонадалик кафедраси профессори

Насим ҚОШИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

## Жумбоқ

Бу гаги жумбоқ газетаси М. Ёқубова (Тошкент шахри) томонидан тақдим этилди.

Ёниб турган 8 та шамдан 3 таси ўчирилса, нечта шам қолади?

Ўтган сонда берилган жумбоқнинг жавоби: 6:3=2 2+5=7 7x4=28

Бу ҳақда 136-35-60 рақамли телефонга тошкентлик Сайрат Сафоев хабар қилди.

## Спорт китъаси дарақлари

### Баллак ва «Реал»

Чемпионлар лигасининг «А» гуруҳида тўп сураётган Испаниянинг «Реал» жамоаси Германиянинг «Байер» клуби ярим ҳимоячиси (шунингдек, бу футболчи мамлакат терма жамоасида ҳам ўз ўрнига эга) Михаэл Баллакни ўз сафига қабул қилиш ниятида. Футболчи учун қиролик клуби нақд 15 миллион доллар таклиф қилган. «Чемпионлар лига»нинг гуруҳ баҳсида «Реал» «Байер»ни икки бор (3:1, 5:3 ҳисобида) маълумиятига учуратган. Айнан шу учрашувларни жуда яхши ўтказган ва «Реал» дарвозасига икки тўп киритган Баллак испан клуби бош мураббийи Виценте дел Боскага ёқиб қолган.



### «Олимпик»-да қайта куриш

Бир пайтлар дунёнинг энг машҳур клублари қаторида саналадиган Марселнинг «Олимпик» жамоаси сўнгги йилларда юқори даражада ўйин кўрсатма олмапти. Шу бонс яқинда клуб спорт директори Эрик ди Меко, клуб президенти Й. Маршаллар вазифасидан озод этилди. Бироқ, бош мураббий, бразилиялик мутахассис Абел Браги жойида қолди. Аслида бош мураббий ҳам «Олимпик» ўз уйида «Ренн» жамоасидан 0:1 ҳисобида енгилган, бушаш ҳақида ариза ёзган эди. Аммо

### Феррейро Штутгарт турнири ғолиби

Мукофот жамғармаси 2950.000 доллар бўлган мазкур Штутгарт теннис турнири финалида ЖАРлик Уэйн Феррейро австралиялик Лейтон Хьюит устидан беш сет натижасига кўра (7:6, 3:6, 7:6, 6:2) ғалаба қозонди.



## «MALVIL» МЧЖ саноат электр жиҳозларини жаҳондаги машҳур корхоналардан бевосита етказиб беради.

АККУМУЛЯТОРЛАРНИ КУЧЛАНТИРУВЧИ ВА ДВИГАТЕЛЛАРНИ ЮРГИЗУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (12; 24V) Ишлаб чиқарувчи: Италия (CEMONT).

ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЛАШ ЖИҲОЗЛАРИ Ишлаб чиқарувчилар: Италия (CEMONT), Украина (SELMA).

700000, Тошкент ш., В. Малясов кўчаси, 3, 113, 115-хоналар. Тел.: (998-71) 120-68-36, (998-712) 41-31-24, 30-20-36. E-mail: malvil@operamail.com.

## «ТОШКЕНТ-ТЕЛЕКОМ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2000 йил 25 ноябр соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 17 а уйда «ТОШКЕНТ-ТЕЛЕКОМ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВАБТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

- КУН ТАРТИБИ:
1. «Тошкент-Телеком» ОАЖ Низомига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
  2. «Тошкент-Телеком» ОАЖ Кузатув кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
  3. Туманларо бирлашма-шаҳобчалар тузиш йўли билан «Тошкент-Телеком» ОАЖни қайта тузиш тўғрисида.
  4. Бошқа масалалар.
- «Тошкент-Телеком» ОАЖ

## «ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ.

## Таҳрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИ, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЕВОВ, О. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҚОШИМОВ.

## БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;  
Ҳуқуқ — 136-07-94;  
Иқтисодиёт — 136-36-65;  
132-10-65  
Маънавий ва маърифат — 136-35-60;  
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;  
Фан, соҳилни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;  
Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92;  
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;  
Котибият — 133-10-28;  
Эълонлар — 136-09-25.

## Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 1015, 17797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-III компьютерда тералди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Ж. САБДУЛЛАЕВ. Навбатчи — Ҳ. ҚАРИМОВ. Мусахҳас — М. ЁҚУБОВА.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 22.15  
1 2 3 4 5 6